



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 79-87 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ҚУРИЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ



Мирзаев Сарварбек Авазбекович

Андижон машинасозлик институти, докторант

ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-4217-4549>

nigorsarvarbek@gmail.com

Аннотация. Мақолада саноат қуриш корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ҳақида тавсиялар ва уни бошқариш бўйича баҳолаш усуллари, жараёнлар кетма кетлиги, воситалари, шунингдек, қурилиш саноати корхоналарида бошқарувнинг баҳолаш жиҳатлари келтирилган.

Калит сўз. механизм, иқтисодий, формула, қурилиш, баҳолаш.

Аннотация. В статье представлены рекомендации по организационно-экономическому механизму управления на предприятиях промышленного строительства и методам его оценки, последовательности процессов, инструментария, а также аспекты управления на предприятиях строительной отрасли.

Ключевое слово. механизм, экономика, формула, строительства, оценка.

Annotation. The article presents recommendations on the organizational and economic management mechanism at industrial construction enterprises and methods for its assessment, the sequence of processes, tools, as well as aspects of management at enterprises in the construction industry.

Keyword. mechanism, economics, formula, construction, assessment.

Кириш. Бугунги кунда саноат қурилиш корхоналарини ривожлантириш зарурлиги доирасида ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва тартибга солиш масаласи долзарблиги ҳамда ушбу масалани ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар мавжудлигига қарамасдан, таъсир этувчи омиллар белги ва хусусиятлари бўйича чегараланмаган ва аниқ тасниф ҳолатида ишлаб чиқилмаган. Айтиб ўтиш жоизки, қурилиш саноати миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалардан фарқланувчи ўзига хос жиҳатларга эга. Қурилиш саноатида амалга оширилаётган барча фаолият ва яратилаётган хизматларга қўшилаётган янги сифатлар истеъмолчиларнинг янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида шаклланаётган ўзига хос эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қаратилган.

Қурилиш саноати корхоналарида бошқарув механизмининг шакллантирилиши асосида унинг замонавий бошқарув тизими амалга оширилади. Шунингдек, корхоналарнинг бошқариш жараёнларининг баҳолаш жиҳатлари бўйича Роксана Султановна Хан "...саноат корхонасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш корхона таъсисчилари учун, бошқа иқтисодий субъектлари учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда асосан саноат тармоқларини ривожланиши, уни технологик тараққиёт, меҳнат унумдорлигини ўсиши, энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг реал сектори - саноатнинг фаоллигига боғлиқ ҳисобланади. Натижада қурилиш саноати корхоналари бошқарув тизими ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жиҳатларига тубдан янги ёндашувларни ишлаб чиқишнинг объектив заруратини келтириб чиқаради" [1, 462-б] деган фикрни билдирган. Лекин реал сектор корхоналари фақат ишлаб чиқариш қисмига тўғри келса, хизмат кўрсатиш соҳасига бу билдирилган фикр тўғри келмайди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Л.В. Шамрай, Е.Г. Горбуновалар ўзининг "Иқтисодий самарадорлик мезонларига мувофиқ бошқарув қарорлари натижадорлигини баҳолаш" номли илмий мақоласида иқтисодий самарадорликка эришишда қурилиш корхоналарини ўзгарувчан харажатларга мувофиқ бошқарув қарорини орқали унинг қиймати амалга оширилади. Уларнинг ҳисоб китобларига кўра, қурилиш корхоналарини ишлаб чиқариш ҳажми баҳосида: ўзгарувчан харажатлар улуши $K_{AF}=0,4$; қурилиш материаллари ҳажми баҳосида: доимий харажатлар улуши $K_{VF}=0,45$; ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ҳажми баҳосида: фойдалилик даражаси $C_{DF}=0,15$, яъни буларни йиғиндиси $K_{AF} + K_{VF} + C_{DF} = 1$ тенг деб олинган" [3, 8683-б].

Б.Е.Искандаровнинг илмий тадқиқот "Ўзбекистон қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион ривожланишни таъминлаш" мавзусида бўлиб, у қурилиш корхоналарини инновацион салоҳиятини аниқлаш бўйича: корхонанинг илмий-тадқиқот, технологик, инновациялар натижавийлиги ҳамда инновацияларнинг турмуш даражасига таъсири салоҳияти кўрсаткичларини ишлаб чиққан [10, 13-б]. Муаллиф асосан қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион ривожланиш даражасини баҳолашда илмий-тадқиқот натижалари, технологик кўрсаткич, инновацияларни натижавийлиги ва рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаган.

Тадқиқот методлари. Қурилиш саноати корхоналарини тавсия қилмоқчи бўлган услубиётга кўра уларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда бозор омиллари таъсирини баҳолаш учун қуйидаги ички кўрсаткичлардан фойдаланилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Қурилиш саноати корхоналарини фойдалилик даражаси индикаторлари[2].

Индикаторлар даражаси	Ҳисоблаш формуласи	Асосий хусусияти
Қурилиш	Сотиш	Сотилган қурилиш

материалларини сотиш рентабеллик даражаси	рентабеллиги = курилиш материалларини сотишдан тушган тушумни / солиқдан ташқари соф фойда	материалини ҳар бир харажатдаги сўмдан олинган даромадлигини ёки унинг фойда улушини билдиради. Бошқа ҳолларда эса бир вақт ичида соф даромад, солиқдан ташқари фойда даромадига нисбатан аниқланади
Курилиш корхонасини ўз маблағлари рентабеллик даражаси	Ўз маблағлари рентабеллик даражаси = курилиш саноати корхоналари соф фойдасини/ўз капиталини ўрта арифметигига нисбати	Курилиш корхоналарини солиқ чегириб ташлангандан кейинги соф даромад ёки инвестиция харажатлари рентабеллигини билдиради.
Умумий рентабеллик даражаси $P=(F/Wa)*100\%$, бу эрда: F-ҳисобот даври учун соф фойда, Wa - активларнинг умумий қиймати.		

Ҳозирги кунда қурилиш саноатидаги бозор муҳитининг таъсири иқтисодий самарадорликни баҳолашни анъанавий усулларида ўз ифодасини топмаганлиги учун уни очиб беришга ҳаракат қилганмиз.

Қурилиш саноати корхоналарини фойдалилик даражасини аниқлашда унинг баҳолаш мезонларига тўхталиб ўтиш жоиз ҳисобланади. Шу сабабли унинг асосий хусусиятларига қараб ажратиб олинган.

Қурилиш саноати корхоналари самарадорлигини баҳолашда янги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш талаб этилади. Натижада, 1-жадвалдаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган.

Таҳлилий натижалари.

Д.Й.Матризаева томонидан саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш, яъни “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси мисолида илмий тадқиқот ишини амалга оширган. Муаллиф ўзининг тадқиқот дорасида қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда корхоналар бошқарув харажатларининг умумий харажатлар таркибидаги улушига мутаносиблигини таъминлаш орқали улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини рағбатлантириш таклифи илгари сурилган. Бунинг учун уюшмага аъзо ҳар бир корхонанинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси суммасини аниқлаш учун қуйидаги усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган:

$$MA_{Ki} = BX_y * \frac{BX_{Ki}/YX_{Ki}}{\sum_{i=1}^n (BX_{Ki}/YX_{Ki})} \quad (1)$$

Бу ерда:

MA_{Ki} - i корхонанинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси суммаси;

BX_y - уюшма умумий бошқарув харажатлари суммаси;
 BX_{Ki} - i корхонанинг бошқарув харажатлари суммаси;
 UX_{Ki} - i корхонанинг умумий харажатлари суммаси;
 $i-1... i$ – уюшмага аъзо корхоналар сони.

Мазкур усулдан фойдаланиш уюшма таркибига аъзо бўлиб кирувчи корхоналар учун аъзолик бадали, тегишли равишда, умумий бошқарув харажатларини молиялаштириш учун ажратмалар суммасини минималлаштириш имконини беради деб фикр билдирган. Корхонанинг бошқарув харажатлари суммаси унинг умумий харажатлари суммасига нисбатан қанчалик кичик салмоққа эга бўлса, унинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси ҳам шунчалик пасайиб боради деган фикрни билдирган[4, 19-б].

Ш.К. Курбаниязов томонидан “Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги” мавзусида ўз тадқиқотини олиб борган. Унинг фикрича, корпоратив бошқарув самарадорлиги кенг мазмунли бўлиб, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини умумий ҳолда тавсифлаган. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги мезон ва кўрсаткичларини тўғри ҳисоб-китоб қилишни ҳамда корпоратив бошқарувни такомиллашиб бориш асосланган. Муаллиф асосан “тадқиқотида қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий стратегиясини ўзгартириш учун аниқ йўлни танлаб олиш зарурлигини ҳисобга олиб, улар қуйидагиларда бўлишини асослаган: корхоналарнинг ташкилий тузилишини лойиҳавий бошқарув асосида оптималлаштириш ёки такомиллаштириб бориш; замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш орқали янги маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш; иқтисодий самарасиз корхоналарнинг ишлаб чиқариш йўналишларини диверсификациялаш асосида такомиллаштириш; бизнес-сервис хизматларини янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш; тежамкор қурилиш ишлаб чиқариш (леан сонстраион) тизимини жорий қилиш ва бошқалар”[5, 19-б].

С.С.Саломова ўзининг тадқиқот ишида “...корхона фаолиятига интеллектуал платформа орқали рақамли технологиялар жорий этишнинг таъсирини вақт, унга киритилган инвестиция, бошқарув ва бошқа харажатларни камайтириш каби омиллар асосида ўлчаш усулини ишлаб чиққан бўлиб, у кўп жиҳатдан, интеллектуал платформа асосида ахборот-коммуникация технологиялари бизнесини ривожланиш жараёнларини ўрганган. АКТнинг корхоналар фаолиятига таъсири ва иқтисодий самарадорлигини бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган усулини ривожлантирган:

$$S_v = \sum_{i=1}^n \varphi_{iv} * s_{iv} \quad (2)$$

бу ерда S_v – в вақтдаги корхонанинг умумий самарадорлиги; φ_{iv} – и корхонанинг в вақтидаги рақамли технология улуши; s_{iv} - и корхонанинг в вақтдаги самарадорлик кўрсаткичи, n -АКТ қўллашда корхона тармоқларининг (цех, бўлим) сони[6, 24-б].

Тадқиқотида асосан корхона фаолиятига АКТдан фойдаланишнинг натижасини, яъни вақт, унга киритилган инвестиция, сарфланган меҳнат каби омиллар асосида ҳисоблаш усули такомиллаштирилган. Корхона фаолиятига АКТнинг таъсирини комплекс ўлчаш учун дастлаб унга АКТни қўллашга киритиладиган капитал қўйилмалар ёки инвестициялар, меҳнат ресурларининг АКТ соҳасидаги билим ва кўникмалари каби омилларга ажратиш керак деб ҳисоблаган.

М.Р.Худойкулов томонидан “тўқимачилик саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини баҳолашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган. Ушбу усулга кўра, мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш даражаси интеграл кўрсаткичини умумий кўриниши:

$$K_{ikt} = +(-) * K_1 + (-) * K_2 + (-) * K_3 + (-)K_4 \quad (3)$$

Бу ерда, K_{ikt} – мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш даражаси интеграл кўрсаткичи; K_1 – жорий тушумларда мулкдорлар қизиқишларини ҳимоя қилиш самарадорлиги кўрсаткичи; K_2 –истикболдаги тушумларда мулкдорлар қизиқишларни ҳимоя қилиш самарадорлигини кўрсаткичи; K_3 –корпоратив муносабатлар бошқа иштирокчилари билан таққослашдаги мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш самарадорлиги кўрсаткичи; K_4 –мулкдор қизиқишларини ҳимоя қилиш самарадорлигининг бошқа акциядорлик жамият мулкдори қизиқишлари билан солиштириш натижаси кўрсаткичи[7, 19-б]. Бу интеграл кўрсаткичдан қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолашдан фойдаланиш мумкиндир.

М.М.Мухтаров ўзининг тадқиқот ишида “Саноат корхоналарида маҳсулотлари истеъмолига таъсир этувчи омиларни ўрганиш асосида кўп омили регрессия функциясида фойдаланишни талаб этган[8, 16-б]:

$$MI = f(YXMs, SMIs, QMKs, Ni, IShd, Ist) \quad (4)$$

бунда: MI – маҳсулот истеъмоли; $YXMs$ - $YaXM$ нинг ўсиш суръати; $SMIs$ - саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати; $QMKs$ - қисқа муддатли кредит ставкаси; Ni - нархлар индекси; $IShd$ - иш ҳақи шаклидаги даромади; Ist - истеъмолчилар сонини ўзгариши. Бу ерда муаллиф асосан маҳсулот истеъмолига алоҳида аҳамият берган.

Қурилиш саноати корхоналарида маҳсулот диверсификациясини баҳолашда Й.А.Колмак Тейла индексидан фойдаланишни тақдим этган[9, 132-б]. Шунингдек, ушбу берилган моделдан қурилиш саноати корхоналарида материаллар ассортиментини кўпайтиришда фойдаланиш мумкин:

$$T = \sum_{r=1}^R \left(\frac{Yr}{y} * Ln \frac{Yr}{Y/R} \right) \quad (5)$$

Бу ерда, Yr - r -минтақанинг ўзгарувчан қиймати, Y -бир хил ўзгарувчиларнинг қиймати, R -минтақалар сони.

Тақдим этилган методикалар қурилиш саноати корхоналари фаолиятида фойдаланиш учун самарали бўлсада, корхоналарни самарадорлигини тўла баҳолай олмайди, бироқ умумий диверсификацияси коэффитсентини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Фикримизча иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан диверсификацияга ёндашилганда мазкур кўрсаткичда сотилган маҳсулотлар хажми ўзгариши асосида аниқлаш ижобий натижа беради.

Қурилиш саноати корхоналари фаолияти самарадорлигига эксперт сўрови усули сифатида таъсир этувчи омиллар аниқланган (1-расмга қаранг):



1-расм. Қурилиш саноати корхонаси ва қурилиш бозори фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг доиравий айланиш модели[11].

1. Қурилиш бозоридаги талаб ва таклиф омиллари: қурилиш бозори сотув ва материал хажми, бозорга кириш ва чиқиш, хомашё ресурслари импорти, реклама харажатлари ва бошқалар.

2. Нарх, солиқ ва субсидия бўйича иқтисодий механизм омиллари: қурилиш материалларини нархи, улгуржи ва чакана нархлар, солиқ ставкалари ҳамда қурилиш соҳаси учун ажратилган субсидиялар ва харид қилиш харажатлари.

3. Технологик омиллар: қурилиш саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган қурилиш конструкциялари, деталлар ва буюмлар, қурилиш майдонида тайёрланадиган ярим фабрикатлар, монтаж, таъмирлаш ва бошқа харажатлар.

4. Илмий-тадқиқот ва инновациялар натижавийлиги омиллари: янги қурилиш ишлари учун инновациялар, илмий-тадқиқотлар, янги ратсионализаторлик таклифлари ва бошқалар.

5. Экологик омиллари: иқлим, ҳарорат, радиоактив нурлар, ёруғлик, ҳаво оқими, шамол, ҳаво намлиги, сувнинг туз таркиби, тупроқ ва релеф. Булар ҳаммаси жонсиз табиатга хос хусусиятлар бўлиб, жонли организмларнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Жумладан, қурилиш соҳаси учун ҳам ушбу омиллардан самарали фойдаланилади.

6. Молиялаштириш, кредит ва инвестицион омиллар: молиявий мустақиллик, банк кредитлари, инвестициялар, инвеститсон лойиҳалар ва бошқалар.

Юқоридаги ишлаб чиқилган модел орқали қурилиш саноати корхоналари учун менеджери мавжуд бўлган бозор ҳажмини баҳолаш талаб этилади. Шу сабабли

барча омиллардан самарали фойдаланиш ҳисобига бозор сиғими, яъни корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиладиган қурилиш товарларни ҳудуд бозоридаги ҳажмини аниқлайди. Ушбу кўрсаткични динамизмини баҳолашда, минтақавий бозорнинг конъюктурасини аниқлашга ҳамда кейинги ривожланишини прогнозлашга ва маълум бир рақабатдош корхонанинг унга нисбатан фаолиятини баҳолашни билдиради.

Шунинг учун қурилиш саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини баҳолашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қурилиш маҳсулотлари ҳажмини регрессия функцияси ишлаб чиқилган[12]:

$$Q_{mx} = f(QSYX_{Mq}, QXHq, QIXi, QMEXe, QBSq, TACT, QSTHt, QI, QKSc) \quad (6)$$

Бу ерда: **QSYX_{Mq}** – қурилиш саноатининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши;

QXHq- аҳоли жон бошига тўғри келадиган, қурилиш хизматлари ҳажми;

QIXi- аҳоли жон бошига тўғри келадиган қурилишга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми;

QMEXe- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий қурилиш маҳсулотларини экспорт ҳажми;

QBSq- қурилишда банд бўлганлар сони;

TACT- туманлардаги аҳоли сони;

QSTHt- қурилиш соҳасида ҳисобланган солиқ тўловлари ҳажми;

QI- қурилиш ишлари (млр.сўмда, ўсиш суръати);

QKSc- қурилиш корхоналар сони.

Қурилиш саноати корхонасини бозордаги ўрни, улуши каби кўрсаткич ёрдамида баҳоланади. Бу ички бозорда сотилган товарларнинг умумий ҳажмида маълум бир корхона маҳсулотининг улуши мавжуд. Ушбу кўрсаткичнинг ривожланиши корхона иқтисодиётини бозордаги ўзгаришларга нисбатан қанчалик самарали ривожланганлигини аниқлаш имконини беради. Корхонанинг бозор улуши товар айланмасининг умумий бозордаги сотув ҳажмига нисбати аниқланади ва таҳлил қилинади.

Бугунги кунда иқтисодий тармоқларда, айниқса, қайта ишлаш, пардозлаш ва қурилиш саноатида қурилиш материаллари импорти улуши сезиларли даражада кўпайди ва натижада кўпчилик корхоналар анъанавий ва энг сиғимли савдо бозорларида ўз улишини йўқотди. Шу сабабли қурилиш бозорларида миллий қурилиш корхоналарини ўз улишини пасайиши сезилмоқда. Жумладан, қурилиш саноатида ҳам импорт товарларни улуши кўпашини республика иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки импорт харид самарадорлигини ортиши мамлакатда қурилиш материалларига бўлган талабни қондириши бўлса, нархнинг ўсишига, инфляция даражасини кўтарилишига ҳам олиб келади. Шунинг учун бозор омилларини қурилиш саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигига таъсир қилишда нархлар тербаниши етакчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли нарх омилини самарадорликка таъсирини баҳолаш учун умумий нархлар даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида инфляция объектив жараён бўлиб, унинг корхона иқтисодий самарадорлик даражасига бевосита таъсири бошқа билвосита омиллар билан биргаликда баҳоланиши мумкин.

Қурилиш саноати корхоналари самарадорлигига таъсирини ўлчаш учун корреляция-регрессия таҳлил усулларидадан фойдаланилади. Чунки улар ўртасидаги муносабатларни боғлиқлиги тўлиқ эмас ва рисклидир. Шу сабабли қуриладиган масалалар бир нечта таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади:

-корхоналар самарадорлигига бевосита таъсир қиладиган омилларни аниқлаш. Бунинг учун корреляция-регрессия коеффициентлари Чаддок шкаласи бўйича энг яқин ёки бир-бирига боғлиқ муносабатга бўлган кўрсаткичлар аниқланади;

-корреляция-регрессия таҳлилларини бир ёки кўп омилли қурилиш корхоналар моделини яратишдир;

-қурилиш корхоналарини стратегик режалаштириш ва корхонанинг бозордаги реал ҳолатини баҳолашда қурилиш бозорида талаб ва таклифни ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини моделлаштириш ва прогноз натижаларини аниқлаш. “Услубий жиҳатдан ўрта ва узоқ муддатли прогнозлашда бозор ривожланишини хусусий ва тасодифий омиллари ҳисобга олинмайди. Шу сабабли прогноз даври қанчалик узоқ бўлса, прогноз шунчалик умумлаштирилади ва бозор конъюктурасига таъсир этувчи омиллар узоқ муддатли, муҳим бозор тенденцияларини шакллантирадиган омилларга ўз ўрнини бўшатади”[10, 91-б]. Қурилиш саноати корхонаси асосан ташқи ва бозор муҳити самарадорлигини баҳолаш орқали корхонани ички маълумотларидан фойдаланишни шакллантиради. Самарадорликни баҳолашда ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқарув кўрсаткичларидан сезиларли даражада фойдаланилади. Жумладан, бозор омилларини алоҳида мамлакатимиз томонидан солишни тартибга солиш керак.

Хулоса. Хулоса сифатида қуйидагиларни келтириб ўтаемиз:

- қурилиш саноати корхоналарида ташкилий иқтисодий механизмини амалга оширишдан қўзланган мақсад корхона, жумладан қурилиш саноати тармоғини ўсиш суратини барқарорлигига эришиш ҳисобланади. Бунда қурилиш саноат корхоналарини барқарор ўсишини таъминлашда ташкилий иқтисодий механизмни тизимли равишда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш зарур;

- қурилиш саноат корхоналарини ташкилий-иқтисодий механизмини самарали амал қилишда бир қанча тамойилларга асосланиши лозимлиги таъкидланган;

- кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш орқали уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш билан биргаликда аҳолига арзон ва сифатли қурилиш маҳсулотлари етказиб бериш имкониятларини янада кенгайтириш зарур;

- саноат қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва тартибга солиш ҳамда баҳо бериш орқали уни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш;

- қурилиш саноати корхоналарини доимий ривожланишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий механизмга баҳо бериш зарур ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хан Р.С., Коневец Д.А. Управление эффективностью деятельности строительного предприятия на основе маркетингового подхода. ISSN 2409-7616, ЦИТИСЭ №2 (28) 2021, -462 с.

2. Шамрай Л. В., Горбунова Е. Г. Оценка результативности управленческих решений по критериям экономической эффективности. // BUSINESS. EDUCATION. LAW. BULLETIN OF VOLGOGRAD BUSINESS INSTITUTE, 2014, № 2 (27). –С. 181-186. Subscription indices – 38683, P8683.
3. Матризаева Д.Р. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси мисолида): и.ф.ф.д. (PhD) автореф. 08.00.13, -Тошкент, 2021, 19 б.
4. Курбаниязов Ш.К. “Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги”. и.ф.ф.д., автореф. (PhD) 08.00.13-Менежмент, -Тошкент. 2018, -19 б.
5. Саломова С.С. “Саноат корхоналарини интеллектуал платформа асосида самарали ривожлантириш (“Охангарон цемент” АЖ мисолида)” и.ф.ф.д., автореф. (PhD) 08.00.03-Саноат иқтисодиёти, -Тошкент. 2021, -24 б.
6. Худойкулов М.Р. “Тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми самарадорлигини ошириш”. и.ф.ф.д., автореф. (PhD) 08.00.13-Менежмент, -Тошкент. 2018, -19 б.
7. Мухторов М.М. “Саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти енгил саноат корхоналари мисолида)”. и.ф.ф.д., автореф. (PhD) 08.00.03-Саноат иқтисодиёти, -Тошкент. 2023, -16 б.
8. Коломак Е.А. Межрегиональное неравенство в России: экономический и социальный аспекты // Пространственная экономика. 2010. № 1. С. 132–150.
9. Искандаров Э.Б. “Ўзбекистон қурилиш саноати корхоналарида барқарор инновацион ривожланишни таъминлаш”. и.ф.ф.д., автореф. (PhD) 08.00.03-Саноат иқтисодиёти, -Тошкент. 2022, -13 б.
10. Николаев Ю. Н. Экономическая оценка условия безубыточной и эффективной деятельности предприятия // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2010. № 1 (11). С. 91—98.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

